

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 31 август, пайшанба № 199 (6. 988) 1989 йил 31 август, пайшанба Баҳоси 3 тибин

Тонги газеталарда

- «Партиянинг янги аъзолари» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланди. КПСС сафарларида фақат қайта қуришнигинагина тарафдорлари бўлиши керак, дейилади мақолада.
- Республика газеталарида «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни лойиҳаси эълон қилинган.
- Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Идеология комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Идеология комиссиясининг ишчи гуруҳлари тўғрисидаги умумий низоми тасдиқланди. Шунингдек, Идеология комиссиясининг ишчи гуруҳларини тузишга ҳам қарор қилинди. Мажлис ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун республика газеталарида эълон қилинган.

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Хушхобарлар

Техника билан тиллашиб

«ПОДЪЕМНИК» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехлари ва ишлаб чиқариш участкаларида серунум дастгоҳларни қўйиштириш ишларига эътибор қаратишмоқда. Аяниқса рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг ишга туширилиши ва ишлаб чиқаришнинг роботлаштирилиши катта натижа берди. Эндиликда бу ердан чет эл мамлакатларига, жумладан Куба, Вьетнам, Кампучия ва Монголияга бир ярим тоннадан 3 тоннагача юк кўтарадиган кранлар жўнатилмоқда. Шу кунга қадар дўстларимизга 231,4 минг сўмлик маҳсулот юборилди.

Яқинда бирлашма коллективининг зафар кучиди. Корхона рақамлаштирилари ва инженер-техник ходимларнинг узок йиллик ишлари ўз самарасини берди. 25 тонна юк кўтарадиган контейнерли «тўрт оёқли» кран яратилди. Бу янги маҳсулот синонадан «аёло» ўтиб қоронғий хариidorлар эътиборини қозонди.

Ун иккинчи беш йиллик тўртинчи йилнинг етти ойлик топшириги ҳам муддатдан аввал адо этилди. Пландаги 5 миллион сўмлик ўрнига 58 миллион 287 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Сифат омили

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номли тивувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот сифати ахшиланган бўлипти. Бунга бир жиқадан меҳнатини ташкил этишининг меҳнаде усули сабаб бўлса, иккинчидан кимки брақ, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг харажатларини ўша айбдор ўз ҳисобидан тўлайди. Бундай иш системаси папартириш ишлашга чек қўяди.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ўз самарасини берапти. Иккита тивувчилик цехи замонавий ускуналар билан жиқозланган. Бу ерда автоматлар ва ярим автоматлар ишлаб чиқаришди. Транспортер линияси Германия Демократик Республикаси мутахассислари лойиҳасига биноан тайёрланган. Кўпгина орткича жаривлар тутатилди. Ингор техникалогия тўғрисида сифат ахшиланди. Бундай ускуналар тайёрлаш ва бичиш цехларида ҳам ўрнатилди. Натижада яхлит «технологик замири» ҳосил бўлди. Эриқларлар костоми сифати меҳлакет ишлаб чиқаришидаги яхши намуналар билан тенглашди.

Машиналардаги программа елмаштиригач, чок ўгарди, хамелар елштирма эмас, балки астарли бўлди.

Лекин шуларга қарамедан хариidorнинг қандай қилиб пештахтага жалб этиши, унинг ҳошиларини батафсил билиш мумкин! Бунинг учун тивувчилик савдо кўргазмаси хариidorлари билан конференциялар ўтказишди. Бирлашмада хари бир мағазин, хари бир савдо базаси учун маҳсулот ишлаб чиқариш системаси жорий этилган. Бунинг учун махус шартнома тузилди. Бунга асосан миқозларга барча маҳсулотлар ассортиментга биноан етказиб берилди.

Д. МУРОВОВ.

Озодлик оролига

ЎЗБЕКИСТОН ССР агро-саноат давлат комитетида қарашли Тошкент таъриба ремонт-механика заводида киноп ўрадиган машина яратилганига кўп бўлган йў. Бу янгилик дед миқохонидан яхши ўтиб, ҳатто чет элларда шуқрат қозонди. Корхона тамгаси туширилган янги техника Озодлик ороли — Кубага ҳам етиб борди.

Спортчиларга

СОВҒА

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» бирлашмаси кошда очилган «Литейшк» кооперативининг янги маҳсулотини оғир атлетика мулкларини муносиб баҳолаётди. «Павтарок» спорт-машиқ бирлашмасига гателъ ва штенгаларнинг 200 та туркуми берилди. Туркуму ўсимлар учун гателлар, учи қайрилган ҳамда спорт машларни учун иккита штанга, шунингдек етиб штенгани даст кўтаруш учун курси бор. Йил охирига кооператив мингта ана шундай туркуму маҳсулот ишлаб чиқаради.

Х. ИКРОМОВ.



Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган ахборот-ҳисоблаш маркази бу ерда қозғозбозлиқни яхши қамайтириш, вақтдан ютши ва иш унумини оширишда кўч келмоқда. Қозимбек Қўшоқов бу ерда ишлатилган машиналарнинг сир-асорларини ахши билади. Шунинг учун ҳам унинг иш унуми бўлмоқда. Х. Мирзакаримов сурати.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Сирли жумбоқ

— Ақмал Икромов район партия комитети тарихида 108 та бошланғич партия ташкилотини маъмурият ҳисобот ва сайловларни ўтказиш бўйича тузилган 7 киши (район партия комитети аппарати, олимлар ва бошланғич партия ташкилотлари вакиллари)дан ташкил топганидан нбора район штаби цех партия ташкилотлари [37 та] ва партия гуруҳлари [82 та] да август сентябрь ойларида ҳисоботда 15 нафаргача аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотлари [47 та] да сентябрь—октябрь ойларида ҳисобот ва сайловлар ўтказиш графикни тузиб чиққан. Ҳисоботда 15 нафардан ортки аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотлари

«ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА, УНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА КОМИТЕТЛАРИНИНГ ИШ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНГИЛАШДА МУҲИМ РОЛЬ Уйнаши лозим. (КПСС Марказий Комитетининг «1989 йилда партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қароридан)»

рида ноябрь-декабрь ойларида ҳисобот йиғилишлари, зарур бўлса сайлов ҳам ўтказилди, — дейди район партия комитети ташкилий бўлими мудирининг ўринбосари Владимир Васильевич Корниченко. — Ҳозиргача 18 та цех партия ташкилотлари ва 18 та партия гуруҳларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Ҳисобот ва сайлов йиғилишлари кенг ошқоралик ва демократик руҳда ўтди. Турар жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидеги битта цех бошланғич партия ташкилотлари ва 2-автокөмбинат тасарруфидеги иккита партия гуруҳлари иш қонқарсиз деб баҳоланди.

партиявий топшириқлари шу даражада кўпайиб кетдики, жиқсонан улгуролмай қоляпти. Мавлонбековга келсак, у ҳақиқатан лоқайлик қилган. «Сайлов йили охиригача амаллаб турсам, кейин кутуламан, бошқа бировага топшираман» қабилида иш тутган. Бироқ коммунистлар бошқача йўл тутти: уни ишлашга мажбур қилишни лозим топди. Тўғри йўл ҳам шу эди! Яна бир сабаби — кам сонли партия гуруҳларида партия гуруҳларига бошқа номзоднинг йўқлигида.

— Иккала партиянинг қонқарсиз баҳо олишида партия секретари сифатида ўзининг айбдор ҳис қиласизми!

— Мен бу ўринда партия секретарини мутлақо айбдор деб биламан, — дея сўзбегга кўчиди 7-автокөмбинатнинг 1-бригадаси партия гуруҳлари Тўламет Ҳайитбаев турмушотари. — Сабаби, Ақмал Икромов район партия комитети район мажлисида, сўнгра бизнинг партия комитетимиз автокөмбинат миқосида партия гуруҳлари билан етарлича семинар машғулотлари ўтказди. «Партия гуруҳи қонқарсизлигини юргизиш, йиғилишларни ўтказиш тартиблари тўғрисида атрофилича маълумот беришди. Партия гуруҳлари иш икки марта партия мажлиси кун тартибидан ўрни олди. Мен партия гуруҳларига қилватган партия гуруҳларида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказишни мўлжаллаб қўйганмиз. Том маънодаги — ҳақиқий ошқораликни кўрмоқчи бўлсангиз, йиғилишимизга марҳамат.

— Ҳисоботнинг оқиломчи эмаслиги, иккала партия гуруҳларининг қонқарсиз баҳо олишининг янги субъектив томонлари ҳам бор, — дея халқсиз сўзини давом эттирди 7-автокөмбинат партия бюросининг секретари, ССР халқ депутати Яўдош Акбаров. — Мисол учун, хоҳлаган бригадаси партия гуруҳлари фаолиятини таҳлил қилиш мумкин. Партия гуруҳлари 3, 4, 5... нафардан коммунист бўлиб, уллар төвз-тез у бригадалар бу бригадаси ўтиб туришди. Ҳозирдаги турли хил бригада, ижара пудрати, индивидуал пудрат сингари ишлаб чиқаришига янги формалар ҳаётга тадриқ этилаётган пайтда бу янада ахшироқ сезилмоқда. Ҳоқда партия коммунистларининг сонин анча орткида, ҳоқда камайиб ҳатто партиянинг вақтинча туталишига бориб етади. Ана энди ўзиниқ уйлаб кўраверинг. Яна бир томони: партия гуруҳлари коммунистлар турли сменаларда ишлашди. Уйламанки, партия гуруҳларининг структуравий тузилишини кўриб чиқиш фурсати етди. Партия топшириқларига келсак, барча коммунистларга баравар тақсимлашга эришиш керак. Бировада ўн та, бошқада битта бўлмасин.

— Акбаровнинг фикрига эътибор қўйишаман, — дейди автокөмбинат партия секретари Л. Клецов. — КПСС Уставининг 53-моддасида «Цех, участка ва шу каби партия ташкилотлари ичиде, шунингдек партия аъзолари ва кандидатлари 50 дан кам бўлган бошланғич партия ташкилотлари ичиде бригадаларда ва ишлаб чиқаришида бошқа веноларда партия гуруҳлари тузилиши мумкин дейилган. Бироқ... тузилиши шарт еки албатта тузилиши керак дейилмаган. Шунга қараман, юқоридан: «Фалонча бригадаси бўла туриб негашуна партия гуруҳи тузилмасин!» деган антика саволлар эшитиб қоладим. Оқибатда хоҳлагансизда гап теймайди қилиямиз. Яқинда бўлиб ўтган партия мажлисида бунга чек қўйишга, яъни партия гуруҳларини бригадаларда эмас, балки ҳар сменда алоҳида смена қилишга қарор қилдик. Ишимиз суткалик бўлганини учун бу ҳозиргидан анча самарали бўлади. Вақтида йиғилиш ўтказиш, ҳар бир масалани оператив муҳокама этиш имкониятига эга бўлинади. Партия гуруҳи коммунистлари сонин орткида ва натижада партия гуруҳларига номзод таллаб олишда ҳам анча куллайлик яратилди. Асосий мақсад сон эмас, сифат-ку!

Ушбу партия мажлисида автокөмбинат бошқармаси коммунистларидан тузилган алоҳида партия ташкилотини тарқатиб, ундаги коммунистларини цех бошланғич партия ташкилотларига тақсимлашга ҳам келишиб олинди. Ана энди раҳбар коммунистлар ишчи коммунистлар билан нафақат умумий, ҳатто партия гуруҳи мажлисларида ҳам енама-ён ўтиришиб бемалол тортишаворади.

— Леонид Владимирович, бу янги тадбирларни амалга оширишга қачон киришмоқчиэизлар! Юқори партия ташкилотлари билан келишиб олганмиэизлар!

— Бригадалардаги партия гуруҳларининг смена партия гуруҳларига ўзгартиришни партия гуруҳи ҳисобот-сайлов йиғилишлари тугаши билан, бошқарма партия ташкилотидеги коммунистларини цех партия ташкилотлари ҳисоботи олишни эса цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиб бўлиб болашгани режалаштириб қўйдим. Уйламанки, район партия комитети бу ташаббусимизни маъқуллаяди.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ, Ақмал Икромов район партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг аъзоси, ССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Шаҳар партия комитетиде кенгаш

Тошкент шаҳар партия комитетиде республика пойтахтида осийишталани татаминлаш, тил тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамаси билан боғлиқ масалаларга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Бу ерда тақлиф этилган шаҳар маҳаллалар ишчини мувофиқлаштириш кенгашининг аъзолари, район кенгашларининг раислари, бир янатор маҳаллаларининг раҳбарлари, илмий-тенгириш институтлари, олий ўқуш юрталари ҳамда қосомод ходимлари, матбуот вакиллари жамоат тартибни сақлашда маҳаллаларнинг роли ва аҳамияти, ўзбек тилига давлат мақомини бериш юзасидан эълон қилинган лойиҳа атрофида рўй бераётган орткича шов-шув ва миш-мишлар ҳақида кенг фикрлашиб олдилар.

— Ҳеч нимга сир эмаски, — деди «Авангард» маҳалла комитетининг раис О. Орткиров, — халқимизнинг энг яхши урф-одатлари маҳаллаларда тулганган. Кишилар маҳаллалари осийишталани кўрмоқчи, деб бекиз айтишмайди. Бу ерда ҳамма бир-бирларини яхши танийди, узаро ҳамжиқатлилик ва қардошлиқни ҳамма эъзозлайди. Турли миллат вакилларидан ташкил топган бизнинг аҳил оиламида

ҳам тилимизга давлат мақомини бериш масаласи атрофилича муҳокама қилинди. Биз шундай хулосага келдик: тилимизнинг давлат тили мақомини олиши шу миллий муомала воситасини қаншоқликдан олиб чиқаришга қолмай, айна пайтда миллатлар аро қардошлигимизни ҳам янада мустаҳкамлайди.

Тошкент политика институтининг доценти Н. Ҳасанов рус тилининг жамиятимиздаги қосқак обору ва эътибори ҳақида гапирди. Бу буюк тил ҳамма халқлар томонидан миллатлар ўртасидеги узаро муомала воситаси сифатида аллақачон тан олинган.

Кенгашда сўз олган Октябрь район маҳаллалар ишчини мувофиқлаштириш кенгаши раис Е. Овдилов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қонқарсиз тиллар лойиҳаси муҳокамаси масалалари билан шугулланаётган комиссия бу жараёнини қандай кетаётганидан аҳолининг рўй-рост хабардор қилиб туриш лозимлигини ҳақидаги тақлифларни ўртага ташлади. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг доценти Ш. Темуров бу фикрни қўллаб-қувватлаб шундай

деди: — Комиссия фаолиятинда одамларни мунтазам хабардор қилиб туриш тилимизга давлат мақомини бериш юзасидан кетаётган муҳокама атрофидаги айрим миш-мишларга барҳам беради.

Мазкур комиссия аъзолари, республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори В. Назаров ва Ўзбекистон қосомоли Марказий Комитетининг бўлим мудири, ҳуқуқшунос А. Саидов ўртоқлар лойиҳа муҳокамаси қандай кетаётгани ҳақида батафсил ахборот бердилар. Шунингдек, кенгашда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам муҳокама жараёни билан республика аҳолини рўй-рост ошқора таништириб бориш орткича гап-сўзларга чек қўйишни тавсиялаб ўтидилар.

Кенгашда шаҳар партия комитетининг секретари К. Раулов ҳозирги шароитда идеология ходимлари олдиде турган вазифалар устида тўхтади.

Кенгаш ишига Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари О. Х. Акбаров яқун ясади. А. НУРИМОВ.

Иқтисодий шарҳ

Буни хўжалик ҳисоби дейдилар

Тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган корхоналарнинг ўз «мол-дуниси»дан қандай фойдаланаётгани (иш натижаси) учун давлат олдиде иқтисодий мас-улиятли эканлигини ҳеч кимга сир эмас. Гарчи у мустакил иш олиб бора-да мабодо зарар кўрса ва ўз харажатларини ўзи қоплашга қурб етмаса, фойдаланиши яна давом этириши амри-маҳол бўлиб қолади. Шу сабабли бугунги кунда таннарх, фойда, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи каби тушуначалар ҳар қачондиган ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Аникроқ қилиб айтганда, биз харибд плани, фойда, шартнома интизомини ва бошқалар бўйича план-топириқлари қандай бажариладиганини синчиқлаб таҳлил этиши бориш орқали муайян корхонанинг қосқилиш йўлидан бораётгани еки таназзулга ҳо тузатганини ҳозирдаёқ кузатишимиз мумкин. Хўш, таннарх муаммоси қандай ҳал қилинмоқда? Буни кўзгудайидек яққол кўрсатиб берадиган иқтисодий — ҳар бир сўмлик харажат ҳисобига неча сўмлик (еки ти-йиллик) маҳсулот тайёрланаётганидир.

Учалик ташвиш уйғотмаган бўларди. Аммо шаҳаримизда 60 дан энг корхонада шундай ахвол ҳўкм суратгани афсусланарлиқдир.

Ошқоралик даври бўлган учун (у корхона бошқа баъзи янҳалардан ахшири, ил-ғорлик, бундан қатъий назар) уларнинг номини маълум қилишмоқчи. «Среднеэлектротрапарат», «Сигнал» ил-мий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Кибере-тика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида резина-техника буюмлари эвазига, агрегат ва асособозлик заводлари ва бошқа қўпгина корхоналарда маҳсулотга сарфланётган харажат камайиш ўрнига ўсиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Қўпгина корхоналарда эса иш ҳақиниқ ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан илгарилда кетяпти. Шаҳарда 40 тана аша шундай корхона мавजूд. Булар орасида «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тивувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Среднеэлектротрапарат», «Сигнал» ил-мий-ишлаб чиқариш бирлашмалари каби йирик корхоналар борлиги бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо этади.

829 минг сўмлик. Октябрь революцияси номидаги телловоз ремонт заводи 748 минг сўмлик нам фойда бердилар. Улар қаторига «Ўзбекистон» кўч бирлашмаси (588 минг сўм), «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (458 минг сўм), «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш заводи (319 минг сўм) қўйиш мумкин.

Биз юқориде тўла хўжалик ҳисобининг масъулияти ҳақида сўз юрткидик. Шаҳаримизда мутлоқ кўпчилик корхоналарнинг коллективлари фойда олиб ишлаётганилари кувонарди. Аммо шунли курамасиз бўлмади деталаридек фойда кўриш у ёнда тургани, ҳатто зарар кўриб ишлаётган корхона битта бўлса ҳам шаҳар учун қўлда. Афсуски, шундай корхона бор бу — «Каноп» ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Баъан корхоналарнинг ишлаши нуқсонлари учун иқтисодий жарима солинаётгани эса уларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этмоқда.

Фойда олиб ишлаётган корхоналарнинг коллективлари қандилин урсинлар. Улар фойдаланиш салмоқли қисмининг ўз коллективини моддий рағбатлантиришга, ижтимоий-маданий тадбирларга, ишчи-хизматчилар учун уй-жой қуришга ва нийҳат ишлаб чиқариши янада ривожлантиришга сарфламолар.

Ўз номи билан тўла хўжалик ҳисоби деб қўйилди, ахир. Хўжалиқнинг оқилона юрети билан, унинг ички қонун-қонда («сир-асор»)ларини пухта ағаллаган омилкор қўлларда у ахши иш беради, анча ҳолда нўноқ қўлда у усти ялтироқ пучданан бўлиб чиқши ҳам мумкин.

Ленин районидеги бир қатор йирик корхоналар районини бу борада орқача тортиб турибди. «Среднеэлектротрапарат» мўлжададиган

Ҳа, райондаги энг йирик партия ташкилотларидан бири ҳисобланган, қолверса, домно намуналик бўлиб келган, хўжалик ишчи, индивидуал меҳнат, ижара пудрати каби ишлаб чиқаришининг янги формаларини ҳаётга жорий этишбаётган 2-автокөмбинат коммунистлари наҳоти партия гуруҳлари ишчини назоратдан четда қолдиришди! Ана шу саволларга жаваб топиш илтиҳида 11 та цех партия ташкилотлари ва 20 та партия гуруҳларига эга бўлган 2-автокөмбинат таъриф қилиб, партия комитетининг секретари Леонид Владимирович Клецовни сўхтабга тортиди.

— Ҳозиргача 7 та партия гуруҳларида ҳисобот сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди, — дейди Леонид Владимирович. — Ушбу ҳисобот ва сайловларда юқоридан, яъни автокөмбинат партия бюрослари еки автокөмбинат партия комитети томонидан кўрсатма-буйруқлар берилгани йўқ. Амалий ердан кўриштиди, холос. Натижаде коммунистлар ўз камчилиги ва нуқсонларини ўрткича очиб ташлашди, уларни тузатиш ҳақида маслаҳатлашдилар, фикр алмашдилар. Кам сонли айрим партия гуруҳлари йиғилишлари гўё давра столи атрофидаги мунозара тарзида ўтди. Фахрий президиум сайлашлар, муваффақиятлар ҳақида оғиз кўпиртириб маъруза ўқишлар ҳам бўлмади. Қисқаси, коммунистлар ана шундай янги услубни хуш кўришди.

9-автокөмбинатнинг 7-бригадаси (жамми 4 коммунист, партия гуруҳи — Абдурахмон Қосимов Фўломов) партия гуруҳлари ва 3-автокөмбинатнинг 4-бригадаси (жамми 3 коммунист, партия гуруҳи — Баҳромбек Нишонбекович Мавлонбеков) партия гуруҳлари партия гуруҳларининг ҳисобот давридаги ишларининг қонқарсиз баҳо олишини қайта кўриш «самараси» десак хато бўлмайди. Негаки, янги ўтишда партия гуруҳлари фаолиятига шунчаки қаралиб, юқори партия ташкилотларига ҳисобот бериш учунгина қозғоз қораланарди. Энди эса ўша муқддиз юзакчиликнинг анчик зарари қалқиб юзатга чиқмоқда. Бундай бўлиши табиий эди. Бироқ, энг қизиқарли томони шундаки, қонқарсиз баҳо олишган ҳар иккала партия гуруҳлари — А. Қ. Фўломов ҳам, Б. Н. Мавлонбеков ҳам партия гуруҳларига қайта сайланишди. Ахир бу ён сирли жумбоқнинг ўзиниқасику! Унга батафсилроқ баҳо олиш мақсодида ана партия секретарининг тинглади.

— Масалан, Фўломов ўз ишчини танқидий баҳолаб, қарога қонқарсиз» деб ёзиб қўйиш тақлифини киритди, — дея сўзбе давом этди Л. Клецов. — Партия гуруҳлари йиғилишларини қамдан кам ўтказгани, коммунистлар билан ахш-ахшдангина учрашганини тан олди. Аммо коммунистлар қонқарсиз баҳо беришда, уни қайта сайлашди. Нега! Сабаби шунданки, ахш-ахшдан партия аъзоси, меҳнат коллективи, ахш-ахшдан партия аъзоси, сибаст бодача чуқур мулоқазат, ташкилотчилик қобилиятига эга. Агарде у партия гуруҳларига ҳам бошқа партиявий топшириқлари сингари эътибор берганда, партия гуруҳи ишчи қонқарсиз деб баҳоланамакди. Коммунистлар бунинг яхши билишди. Шу бондан ҳам А. Фўломовнинг тағин партия гуруҳлиқда қолдиришди ва ўз навабига қарорининг бир бандига «Автокөмбинат партия бюросидеги А. Фўломовга бўлган талабни қучайтиришни илтимос қилмасиз» деб ёзиб қўйишди.

Баҳромбек Мавлонбековга келсак, у ҳам тадбиркор коммунист, илгор ишчи, аммо ҳафсаласизлик тўғрисида партия гуруҳи ишчини ўз ҳолига ташлаб қўйди — партия гуруҳида ўз вақтида йиғилишларни ўтказилмади. Қисқаси, у бор имкониятлардан фойдаланмади — партиявий топшириқлар талаблар даражасида ёндошмади. Партия гуруҳи коммунистлари эса бунинг рўй-рост айтиши, юзакчилик қилишиди. Масалан, коммунист, тақси ҳайдовчиси Михаил Харитонович Волосович шундай деди: «Бизнинг автокөмбинат ишлаб чиқариш кўрсаткичларини удаллашда оқсоқликка йўл қўймоқда. Бунинг сабаби автокөмбинат бошлиғи ва катта маҳанининг ҳайдовчиларига нисбатан талабчанлигини сусайтириганида, машиналарнинг ўз муддатиде ремонтдан чиқарилишини таъминлай олишмаётганида. Партия гуруҳининг эса буларни кўра-биле туриб тақсирли партиявий таъинини ўтказма олмади. Кузатувчилик позицияда бўлди. — Партия гуруҳи йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмаётганини тўғрисида ишда учраб турадиган камчилик ва нуқсонларини вақтида айти олмаганимиз, — деди коммунист, тақси ҳайдовчиси Абрам Якубович Борохов. — Шахсий ижара пудратиде ишлаётган тақси ҳайдовчилари учун бригада олдидан бекор қилиш лозим. Бундай фикр олдидан ҳам айтилган. Афсуски, партия гуруҳидан таъинлар чиқмайпти. Бу ҳам партия гуруҳининг талабчан эмаслиғидан.

Коммунистлар партия гуруҳини қонқарсиз, деб баҳолашди. Қарорда автокөмбинат партия бюросидан Б. Мавлонбековга нисбатан партиявий таъсир ўтказишни илтимос ҳам қилишди. Барибир қайтадан ишчи билдиришди. Негаки, Мавлонбековда ҳоқш бўлса бас у партия гуруҳи фаолиятини ёлде даражада удаллай олади.

— Фўломовнинг йўрини бошқа, — дейди партия секретари Леонид Клецов, — Очғини унинг

Халол меҳнат кадри

(Эртақ)

Утган замонда, Хуросон томонда адолатли бир подшо бўлган экан. Унинг кўп машаққатлар ила «тиллаб» олган ягона ўғли бор экан. Вақт ўтиши билан у воёга етиб, хушбичим йигит бўлибди. Подшо ўз ўғлини меҳнатга ўргатиш мақсадида бир кунни эрта билан уни чақириб:

— Ўғлим, мана воёга етдингиз, эртдан бошлаб меҳнат қилиб, тирикчилик учун маблаг тошинг, — дебди.

Йигит розилик аломатини билдириб, орқаси билан юриб чиқиб кетди. Кийим-бошини алмаштириб, йўлга равона бўлаётган ўғлини кўрган она боласига ачиниб, яширича унга ўн беш таंगा берди. Ўғли кунни бўйи тентираб юриб, қоронғу тушгач, отаси қароргоҳига кириб келибди.

Шоҳ ўз одатига кўра, шомдан сўнг сарой чеккасида кичирок гулдан ёқиб, таёқ билан алангани қузатиб давлатни бошқариш режаларини тузиб ўтирар экан.

Унинг хурмат бажо келтириб салом бергач, «меҳнат» билан топган тангаларини ота кўлига тутқазибди. Шоҳ эса пинатини бузмай, тангаларни олиб алангага ташлаб ёқибди ва ўғлига кетишга рухсат ишорасини қилиб, хаёл суришда давом эттибди.

Эртаси кунни тонгда подшо ўғлига кечги гапни яна такрорлади. Йигит отланиб турганида она яширича ўғлига 20 таंगा тутқазибди...

Ўғил кечурун «нишдан» ҳайтиб ҳалиги тангаларни отасига топширибди. Шоҳ бунинсини ҳам оловга ташлабди.

Учинчи кунни эрта билан ҳукмдор шоҳ зуррига хотини ва ўғлини чақиртириб, одатдаги вазифани эслабди, хотинига эса бир муҳим «масала» бўйича хузурида қилишни буюрибди.

Саройдан чиққан йигит не қиларини билмасдан, шаҳар дарвозасидан чиқиб кетатурди, бир кекса чолдан:

— Хеч қандай хунарим йўқ, рўзгор учун нима иш қилсам экан, ота? — деб сўрабди.

— Юр ўғлим, — дебди чол. — Сенга арқон бераман, тоққа чиқиб, ўтин кесиб сотарсан.

Йигит кечгача икки мартаба ўтин тавёрлаб, уни сотиб, ўн таंगा топиб, чарчаб, ҳориб, отаси хузурига йўл олибди. Аланга олдида ўз хаёллари оғушида ўтирган ота одати бўйича пулларни олиб алангага иргитмоқчи бўлганида, ўғли унинг кўлига ташланди:

— Эй меҳрибон ота, оёқ-қўлларини, елкаларини шиллиб тер тўкиб топган пулларини нечун оловга улоқтирасиз? — дебди.

— Мана энди ўз меҳнатингиз билан пул топганингизга ишонаман. Пешона тери билан топилган маблаг аша шундай қадрли бўлади, ўғлим, — дебди шоҳ.

Насрулла АЛНОВ.

ШАЛПАНГҚУЛОҚ

Оқшом тушиши билан осмонда чарх уриб учётган кўршалакларнинг ҳаммаииз кўрганимиз. Кўршалаклар сўт эмизувчиларнинг кенг тарқалган яққо-ягона авлоди бўлиб, уларнинг ер юзидан мингга яқин турли бор. Бу сўт эмизувчиларнинг 20 фозини ташкил этади. Шуллардан 40 дан ортиқ тури Ватанимизда, Ўзбекистонимизда эса 19 тури учрайди.

Кўршалакларнинг ҳавода учиб юришига мослашган қанотлари бўлиб, улар бу жиҳатдан қушларга яқин туради, тишларининг ўткирлиги жиҳатидан эса сўт эмизувчиларга ўхшайди. Аммо кўршалаклар аслида сўт эмизувчилар наслига кирмади. Улар ҳар бошқа сўт эмизувчилар каби жун билан қопланган. Озуқаси ҳар хил зараркунанда ҳашаротлар бўлиб, қишлоқ хўжалигига катта фойда келтиради.

Ҳозирги пайтда йирик шаҳарларнинг тёмир-бетонлардан қурилиши сабабли кўршалак шаҳарларимизда кам учрайпти. Шунингдек, экологик шароитларнинг ўзгариши натижасида қишлоқларда ҳам бу фойдали жониворнинг тури ва сонлари каяйиб кетмоқда.

Суратда кўриб турганингиз шалпангқулоқ кўршалак жуда

да нобб ҳайвон бўлиб, табиятда жуда ҳам оз учрайди. Унинг ҳайт тарзи ҳам яқин ўрганилган эмас. У СССР ва Ўзбекистон ССРнинг «Қизил китоби»га киритилган. Танасининг узунлиги 80—90 миллиметр, Думи 43—50 миллиметр келади.



ди. Ранги ҳаво ранг, сарғиш ёки тўқ сарғик бўлади. Қулоқлари жуда апаоқ, думи эса тик гажак бўлиб туради. Бу кўршалак ер юзидан кенг тарқалган турлардан бири бўлиб, у Африка ва Европа қитъаларида, Португалия, Италия, Греция, Эрон, Миср ва шунга ўхшаш кўпгина мамлакатларда учрайди.

СССРда шалпангқулоқ кўршалакнинг кичик тудаси Кавказнинг айрим жойларида, Кисловодский атрофларида, Кабарда-Балқорияда топилган. Урта Осиёда Ойдар жи-

ндаги Сумборо водийсида, Бухоро областининг Қоракўл шаҳрида, Самарқанд атрофида, Ўзбекистон билан Тожикистон чегарасидаги Боботоғда, Душанба шаҳри атрофида, Фарғона водийсида, Қирғизистоннинг Уш шаҳри атрофларида, Жанубий Қозғистонда, шунингдек Туркистонда ҳам учрайди.

Шалпангқулоқ кўршалак тоғлардаги қоқ ёриқларида кичик-кичик гала бўлиб яшайди. Водийларда уларнинг буютлари ва қарниларда яшайди. Қош қорайиши билан оқват қидириб осмонда чарх уриб уча бошлайди. У жуда тез учадди, учиб юрганда худди читтаки эслатади. Чийиллаши ҳам ўша парранданики сингари. Июнь-июль ойларида биттадан бола туғади.

Бу кўршалак ҳавода учиб юрувчи зарарли ҳашаротлар ва кўнгаларга қирон келтириши билан фойдалидир.

Қодир ОЛЛОБЕРГАНОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг илмий ходими.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

Реклама ва эълонлар

Реклама ва эълонлар

Газдан фойдаланувчи абонентлар диққатига!

«Ташгаз» бошқармаси

1989 йил 1 сентябрдан бошлаб 1 ноябргача

Тошкент шаҳрида

АҲОЛИ УРТАСИДА ГАЗДАН ХАВФ-ХАТАРСИЗ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА

икки ойлик ўтказади

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЯТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! ИККИ ОЙЛИКНИ УТҚАШИДА ФАОЛ ҚАТНАШИҲ!

Портлаш, ёнғин чиқиши, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун газ асбобларидан фойдаланиш қондаларининг бузилишига йўл қўйманг!

ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг, аланга гоҳо сўниб қолиши мумкин. Бунинг оқиб-

тида хонага газ силқиб чиқиб, нафасни бўғиши, шунингдек, портлаш ва ёнғин чиқишига сабабчи бўлади;

болалар ва махсус инструктордан ўтмаган кишиларга газдан фойдаланишни рухсат этманг;


рўзгор, газ плиталаридан хоналарни иситиш учун фойдаланманг, бу саломатлик учун жуда хавфлидир.

ЎРТОҚЛАРИ

ХОНАДА ГАЗ ҲИДИНИ СЕЗИШИҲГИЗ БИЛАН ДАРҲОЛ БУ ҲАҚДА РАЙГАЗ ЕКИ ҚУИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ АВАРИЯ ХИЗМАТИНИ ХАБАРДОР

ҚИЛИҲГ:

04 ёки 53-56-19, 53-56-31, 55-44-31, 55-44-29.





Газ хўжалиги ходимлари етиб келгунга қадар газ тўпланган хонани шабадалатиш чораларини кўринг, эшик ва деразаларни очиб юборинг, очиқ алангадан фойдаланишга йўл қўйманг, чекманг, электр асбоблардан фойдаланманг, электр ёритиш асбобларини ёқманг ва ўчирманг, одамларни газ тўпланган хонадан олиб чиқиш чораларини кўринг.

Дудбуронларнинг текширилгани ҳақидаги актларни ўз вақтида яшаш жойингиздаги райгазларга тақдим этинг.

Газ колонкалари ва бошқа газ асбобларидан фойдаланган вақтда агар ёниш маҳсулотлари дудбуронлар орқали ташқарига чиқиб кетадиган бўлса албатта дудбуронларнинг ҳаво тортиш-тортмаслигини олдиндан текшириб кўринг.

ДУДБУРОНЛАР ҲАВО ТОРТМАГАН ЕКИ ҚОНИҚАРЛИ РАВИШДА ҲАВО ТОРТМАГАН ПАЙТДА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ



Баллонли газдан фойдаланган пайтда баллонларни иссиқлик манбалари (қуёш нури, печкалар, электр иситиш асбоблари)дан нарироққа ўрнатиш зарур.

Баллонлар жойлаштирилган 3 конфоркали плиталар, бошқа газ асбоблари ва «БАЛТИКА» босимни бошқариб турувчи асбоб ўрнатилган баллонлардан фойдаланганда асосий эътиборни албатта «БАЛТИКА» босимни бошқарувчи асбобнинг баллонлар клапанига тўғри ўрнатилганлигига қаратинг.

ЎРТОҚЛАРИ ГАЗДАН ФОЙДАЛАҲГАН ПАЙТДА НИҲОЯТДА ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИҲГ

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси

1 СЕНТЯБРДАН БОЛАЛАР УЧУН

«АССАЛОМ, МАКТАБ!»

ШИОРИ ОСТИДА

Кинофестиваль ўтказади

- «ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
 - 1-3 БЕШИНЧИ «Б» ДАГИ ҒАЛАТИ БОЛА.
 - 4-5 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 6-7 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 8-10 — БИРИНЧИ СИҒОДА ЎҚИДИГАН ҚИЗ.
- ТОШКЕНТ СОВЕТИНИҲГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — УН ИККИ ОИ.
 - 4-5 — ЎЗГАНИҲГ БЕШ БАҲОСИ.
 - 6-7 — ЎҒИРЛАНГАН ЧЕҲРА (мультифильмлар тўплами).
 - 8-10 — МИШКА, СЕРЕГА ВА МЕН.
- «ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
 - 1-3 — ЎЗГАНИҲГ БЕШ БАҲОСИ.
 - 4-5 — МУҒТА, ЯРИМВОТИҲКА ВА ШАҲМОҚ СОҚОЛ (мультифильмлар тўплами).
 - 6-7 — ЖОНЛИ КАМАЛАК.
 - 8-10 — ТОПИЛДИҚ (мультифильмлар тўплами).

- 6-7 — ВУ АБЛАХ СИДОРОВ.
- 8-10 — ТАНЕЧКАНИҲГ ФОЙДАСИГА 4.0.
- ҲАМЗА НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — МАКТАБ САРИ ОЛИС ЙўЛ.
 - 4-5 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 6-7 — НАСТЯСИ ҚУРҒУР.
 - 8-10 — ҚИЗИЛ ГўЛ.

- ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — БИР БАҲО ЕЛҒОН БИЛАН.
 - 4-5 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 6-7 — САРГУЗАШТИСIZ УТМАГАН ҚУНЛАР.
 - 8-10 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.

- «ТИНЧЛИК» КИНОТЕАТРИДА
 - 1-3 — ЧўНТАКДАГИ ҚУЕШ
 - 4-5 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 6-7 — ВАСЕК ТРУБАЧЕВ ВА УНИҲГ ЎРТОҚЛАРИ.
 - 8-10 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.

- С. РАҲИМОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — ЖОНЛИ КАМАЛАК.
 - 4-5 — ЕР ЧИҲДАН ҲАМ ШАР ШАКЛИДАМИ? (Мультифильмлар тўплами).
 - 6-7 — БУНИ БИЗ УТМАГАНМИЗ.
 - 8-10 — МАЙМУНЧАЛАР ҚАНДАИ ОВҚАТЛАНИШГАНИ ҲАҚИДА (мультифильмлар тўплами).

- Ғ. ҒУЛОМ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — КОИНОТ ИРОДАСИ.
 - 8-10 — АЛЕША ПТИЦИН ХАРАКТЕРИНИ ЧИНИҚТИРМОҚДА.

- «МИР» КИНОТЕАТРИДА
 - 1-3 — ТАНЕЧКАНИҲГ ФОЙДАСИГА 4.0.
 - 4-5 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 6-7 — СЕНГА УЗИ НИМА БЎЛДИ?
 - 8-10 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.

- «ҒУҲЧА» КИНОТЕАТРИДА
 - 1-3 — БАХОСИЗ ТОНГ.
 - 4-5 — ЎЗ ВИЛГАҲИЧА САЙР ҚИЛГАН МУШУК.
 - 6-7 — БИРИНЧИ СИҒОДА ЎҚИДИГАН ҚИЗ.
 - 8-10 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.

- «ЯҲИОБОД» КИНОТЕАТРИДА
 - 1-3 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 4-5 — СЅНГГИ ИККИ БАҲО.
 - 8-10 — ЖУДА ҚУРҚИҲЧЛИ ВОҒЕА.

- ЛИСУНОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 4-5 — МИШКА, СЕРЕГА ВА МЕН.
 - 6-7 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТўПЛАМИ.
 - 8-10 — МЕНИҲГ БИРИНЧИ ДўСТИМ.

- Қ. ЕРМАТОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА
 - 1-3 — БИРИНЧИ СИҒОДА ЎҚИДИГАН ҚИЗ.
 - 4-5 — МАЙМУНЧАЛАР ҚАНДАИ ОВҚАТЛАНИШГАНИ ҲАҚИДА (мультифильмлар тўплами).
 - 6-7 — БОҒДИҲАН ВА ТўТИҚУШ (мультифильмлар тўплами).
 - 8-10 — ЧўНТАКДАГИ ҚУЕШ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Театр

- НАВОНИИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/УШ да Фауст (19.00).
- ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/УХ да Ҳамза-нома (19.30).
- Дружба — «ЯҚКА УЗИ» (16, 17, 18, 19, 20.40), «ЕҚУТ КЎЗЛИ БИЛАГУЗУК» (12.00).
- Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).
- Восток — «ТОНГ» (16, 18.30, 21.00).
- Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (16, 18.30, 21.00).
- Лисунов номли — «ЕВВОИИ ҚАЛБ» (17, 19, 21.00).
- Ватан — ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.40).
- М. Шайхзода номли — «МЕНИҲГ ДУШМАНИМ» (16, 18.30).
- К. Ерматов номли — «ИШҚ ДАРДИ» (тоқ соатларда).
- Нукус — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.45).
- Қозоғистон — ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (16, 18, 20.00).
- Тошкент Советининг 50 йил-

Кино

- лиги — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (18, 20, 21.30).
- Фестиваль — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (21.40).
- 1 СЕНТЯБРДА
- БАДИИИ ФИЛЬМЛАР:
- Санъат саройи — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00), «МАЙСАРАНИҲГ ИШИ» (ўзбек тилида, кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).
- Дружба — «ЕҚУТ КЎЗЛИ БИЛАГУЗУК» (12.00), «ТИМСОХ «ДАНДИ-И» (11, 14, 17, 20, 15, 18, 20.40).
- Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).
- Восток — «ОТАХОНЛАР», «УНИҲГ ЖАҲЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ» (11, 12.40, 14.20, 16, 17.40, 19.20, 21.00).
- Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
- Лисунов номли — «МЕНИҲГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 14, 17, 20.00).
- Ватан — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).
- М. Шайхзода номли — «ТОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
- К. Ерматов номли — «КИҲГ-КОҲГ ТИРИК» (тоқ соатларда).
- Нукус — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.45).
- Қозоғистон — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (11, 12, 13, 14, 16, 18, 20.00).
- ВЛКСМ 30 йиллигини — «ЕВВОИИ ҚАЛБ» (жуфт соатларда).
- Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).
- Фестиваль — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (21.40).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«Тошкент оқшоми» («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЈА АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет нуриллиши—32-57-84; экономия ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; интимоий масала —32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар —32-29-70; «жамоатчилик» редакцияси —32-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси —32-56-84; эълонлар —32-81-42.

Яшанбадан ташқари, ҳар кунни чиқарилади.